Абдуллазизхон ибн Убайдуллахон
(1509-1550)
(1540-1550)

Бухоро хони бўлган шайбоний хукмдор (1540-1550). Убайдуллахоннинг ўгли. Дастлаб 1538-1539-йилларда Хоразм хокими бўлган. 1539-йилда отаси Убайдуллахон вафот этгач, шайбонийлар сулоласи вакиллари ўртасида ўзаро низолар авжига чикди. Бунинг окибатида Абдуллахон И нинг киска хукмронлиги (1539-1540)дан сўнг мамлакатда кўшхокимиятчилик вужудга келиб, Абдулазизхон Бухоро хони (1540-1550), Кўчкунчихоннинг ўгли Абдуллатифхон эса Самарканд хони бўлган. Абдулазизхон отаси Убайдуллахон вафотидан кейин Бухоро тахтига ўтиради, аммо Самарканд хони уни бош хон сифатидида тан олмайди, натижада келишмовчиликлар келиб чиккан. Тошкент хокими Наврўз Ахмадхон ва Абдуллатифхонлар Абдулазизга карши кўшин тортади. Абдулазизхон Балхга кочади, бирок Жўйбор шайхлари Тошкент, Самаркандлик хокимлари хокимларни кўллаб-кувватлаганлари учун Бухорони ташлаб чикиб кетишга мажбур бўлишди. У ўз хукмронлиги даврида давлат ва ахоли манфаатларини кўзлаб катор ислохотлар ўтказган, айрим соликлар (таноб пули, тафовут, тавфири ва б.) ни бекор килган. Унинг даврида тўс-тўполонлар кўп бўлганлигига карамай мамлакат ободлиги ва юрт куришга киришиб, олий иморатлар бино этди. Хусусан у Бухоро атрофини янги мудофаа девори билан ўрашга киришган (уни Абдуллахон II куриб битказган бўлиб, 20-а. бошларигача сакланган). У ўз отаси Убайдуллахонга багишлаб шундай иморат курдирдики уни тарифлашга тил ожиз. Бундан ташкари у Бухорода мадраса, Бахоуддин Накшбанд кабристонида хонакохлар курдирган.
Абдулазизхоннинг улкан бир жутубхонаси бор эди, ўша пайтда бундай кутубхона бўлганми, йўкми айтиш кийин. Унинг китобдори хам ўз замонасида тенги йўк наккош ва хаттот эди.”Бу кутубхона” – тарихий манбаларда ёзилишича Хуросонга юришларидан бирида Абдулазизхон кўлида Хусайн Бойкаро китобхонаси тушган. Маскур кутубхона асосида ташкил этилган.
Абдулазизхон илм ва шеърият хомийси, ўта такводор инсон бўлиб, тасаввуф олими Шайх Жалолнинг мудири эди. У беназир хуснихат сохиби бўлган, “Азизий” тахаллуси билан газаллар битган.
Абдулазизхон 41 ёшида 1550-йил 16-майда вафот этади. Кабри отасининг ёнида Убайдуллахон сиппосида жойлашган.